

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**ЎЗС.15/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**МУРАДОВ ФАРРУХ АБДУКАХАРОВИЧ**

**АТМОСФЕРАДА ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ КЎЧИШИ ВА**  
**ДИФФУЗИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ УЧУН**  
**МОДЕЛЛАР, АЛГОРИТМЛАР ВА ДАСТУРЛАР МАЖМУИ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т453 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Ахборот коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Равшанов Нормаммад техника фанлари доктори, профессор
Расмий ошпоначи.лар:	Полатов Асхад Мухамеджанович физика-математика фанлари доктори, профессор Исомиддинов Анвар Имомжонович техника фанлари бўйича фалсафа доктори
Етақчи ташкилот:	Механика ва иншоот.лар соҳасидаги мустақам.илми институт

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc 13.30.12.2019.Т.07.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» декабр \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ ни мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz) Тошкент ахборот технологиялари университети)

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_) рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2020 йил «15» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х. Ҳамдамов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М. Нуралиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.Б. Хидирова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., кага илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда атроф-мухитни муҳофаза қилишга доир қарорлар қабул қилишга қўмаклашувчи ва уни антропоген таъсирдан химоя қилишга йўналтирилган математик моделлар, самарали сонли алгоритмлар ҳамда дастурий таъминотларни ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, атмосферанинг чегаравий қатламида зарарли моддаларнинг тарқалиш жараёнини кузатиш ва башоратлаш алоҳида назарий ва амалий қизиқиш уйғотмоқда. Атмосферада ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг тарқалишини тезкор кузатиш ва баҳолаш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш муаммоси айниқса АҚШ, Канада, Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия Федерацияси, Ҳиндистон ва Хитой каби саноати ривожланган мамлакатларда долзарблик касб этмоқда.

Жаҳонда зарарли антропоген ва табиий чиқиндиларни атмосферада узатилиши ва диффузияси жараёнларининг янада такомиллаштирилган математик моделларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу муаммонинг математик аппаратини яратишда, хусусан, иқлим кўрсаткичлари ва ўрганилаётган ҳудуд орографиясини ҳисобга олиш, ҳаво массасининг турбулент ҳаракати ҳисобига атмосферага кўтарилган зарарли моддалар эмиссиясини ҳисобга олиш ҳамда кичик ўлчамли зарраларнинг чўкиш тезлигининг унинг физикавий-механик хоссаларига боғлиқ тарзда ўзгариши каби омилларга алоҳида эътибор бериш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикасида зарарли антропоген босим остидаги экотизимларнинг ўзгариш жараёнлари, шунингдек, экологик мувозанатнинг бузилишидан қутиладиган оқибатларни ўрганиш бўйича ҳам кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, атмосферадаги техноген ва табиий таъсирлардан келиб чиққан зарарли аэрозол чиқиндиларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнларини кузатиш ва башоратлаш учун янги математик моделларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, ... атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш, ... иктисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ... атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилишини замонавий ахборот технологиялар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

асосида тадқиқ қилинаётган жараёнга таъсир қилувчи турли хил омилларни ҳисобга олган ҳолда зарарли чиқиндиларнинг атмосферада тарқалиши жараёнини кузатиш ва баҳоратлаш учун зарурий ишончли математик моделлар, самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва моделлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқиш вазифаларини бажаришсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 майдаги 310-сон «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ва 2019 йил 3 сентябрдаги 737-сон «Ўзбекистон республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарорларида ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Атмосферада ифлослантирувчи чиқиндиларнинг тарқалиш жараёнини кузатиш ва баҳоратлаш учун математик моделларни, ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий-ускунавий тизимларни яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда. Жумладан, зарарли моддаларнинг атмосфера чегаравий катламида кўчиши ва диффузияси мураккаб динамик жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек айtilган жараёнларни математик моделлаштириш услубиётининг фундаментал жиҳатлари E. Naslund, L. Thaning, J. Geiser, L.C. Berselli, W.J. Layton, J.M. Germano, H. Ferziger, U. Piomelli, G.S. Winckelmans, W.C. Reynolds, Г.И. Марчук, М.И. Лунев, М.Е. Берлянд, В.В. Пененко, В.М. Белолипецкая, М.В. Меньшов, С.Г. Черний, С.В. Шаров, В.Ф. Рапута каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида атмосферада аэрозол чиқиндиларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнлари ҳамда атроф муҳит химоя қилиш масалаларини ечиш учун математик моделлар, алгоритмлар ва дастурларни ишлаб чиқиш муаммолари Ф.Б. Абуталиев, К.С. Каримбердиева, М.Л. Арушанов, Н. Равшанов, Ж.О. Тохиров, Б.С. Телемуратова ва бошқа олимлар тадқиқотларида ўрганилган.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда атмосферадаги аэрозол чиқиндиларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнларининг кўп ўлчовли қўйилишидаги математик моделлари, кичик ўлчамли заррачалар

чўкиш тезлигининг ўзгариши ва иқлим омиллари, шунингдек вақт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан юқори тартибли аппроксимацияни қўллаш асосида самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш масалалари старинча ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ва ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг А-5-12 «Саноат минтақаларининг экологик ҳолатини баҳоратлаш ва мониторинги учун математик таъминотни яратиш» (2015-2017) ва БВ-Атех-2018-9 «Атмосфера ва сув ресурсларини техноген омилларидан химоя қилиш масалаларини ечиш учун моделлар, тақсимланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар яратиш» (2018-2019) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат ҳудудларида экологик вазиятни тадқиқ қилиш, баҳоратлаш ва бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш учун математик моделлар, самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қаралаётган ҳудудларда атмосфера ҳолатини баҳолаш масалалари бўйича комплекс тадқиқот олиб бориш, баҳоратлаш ва бошқариш қарорларини қабул қилиш учун информацион модель ва маълумотлар базасини яратиш;

кичик ўлчамли зарралар чўкиш тезлигининг ўзгариши ва иқлимий омилларни ҳисобга олган ҳолда аэрозол чиқиндиларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнларининг математик моделини ишлаб чиқиш;

зарарли аэрозол чиқиндиларнинг уч ўлчовли атмосферада кўчиши ва диффузияси жараённинг математик моделини метеорологик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

атмосферада аэрозол заррачаларнинг кўчиши ва диффузияси масалаларини ечиш учун физик хусусиятларга мос қисмларга ажратиш усулига асосланган самарали ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

атмосферанинг ер сатҳи катламида кичик ўлчамли зарраларнинг тарқалиш масалаларини ечиш учун вақт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан иккинчи тартибли аниқликда аппроксимациялаш асосида самарали ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

зарарли аэрозол чиқиндиларнинг атмосферада тарқалиш жараёнини тадқиқ этиш, баҳоратлаш ва бошқарув бўйича қарорларни қабул қилиш, шунингдек ЭҲМ да ҳисоблаш тажрибаларини олиб бориш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида саноат объектларидан ва ифлосланишнинг бошқа манбааларидан чиқаётган зарарли аэрозол зарраларнинг атмосферада кўчиши ва диффузия жараёни қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва ЭХМда ҳисоблар олиб бориш учун объектга йўналтирилган дастурий мажмуалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацион тадқиқот жараёнида ҳисоблаш математикаси, математик ва компьютерли моделлаштириш усуллари, шунингдек дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш учун объектга йўналтирилган дастурлашнинг технологияларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кичик ўлчамли заррачаларнинг чўкиш тезлигининг ўзгариши ва иқлимий омилларни ҳисобга олган ҳолда аэрозол чикиндиларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнларининг математик модели ишлаб чиқилган;

иқлимий омилларни ҳисобга олган ҳолда аэрозол чикиндиларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнларининг уч ўлчовли математик модели такомиллаштирилган;

аэрозол чикиндиларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси масалаларини ечиш учун вақт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан юқори тартибли аниқликка эга самарали сонли алгоритм яратилган;

аэрозол зарраларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси масаласини ечиш учун физик хусусиятларга мос қисмларга ажратиш усулига асосланган ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диссертация тадқиқотининг ишлаб чиқилган математик ва дастурий таъминот кўринишидаги натижаларидан санитария нормаларини ҳисобга олган ҳолда саноат ҳудудларида атроф-муҳитнинг экологик ҳолатига зарарли чикиндиларнинг таъсирини баҳолаш ва башоратлаш аниқлигини, тезкор кузатув олиб боришда фойдаланилган;

ишлаб чиқилган математик аппарат зарарли моддаларнинг иқлимий омиллар ҳисобига атроф муҳитда ютилиши хусусияти, зарарли заррачаларнинг чўкиш тезлиги ва тадқиқ қилинаётган жараённинг ўзгаришига таъсир қилувчи бошқа ташқи ва ички омиллар ҳисобига атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнларини ишончли ифодалаган;

зарарли саноат чикиндиларининг салбий оқибатлари ҳақида ўз вақтида оғохлантириш ҳисобига молиявий ва меҳнат харажатларини тежаган ҳолда зарурий табиатни асраш чора-тадбирларини жорий этиш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб қувватлаш учун атмосферанинг чегаравий қатлами ва ер юза қисмида ифлосланиш концентрациясини автоматик ҳисоблаш ва визуаллаштириш учун дастурий-ускунавий воситалар мажмуаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши тенграмаси ва

унинг чегаравий шартлари масса ва импульсининг кўчиши ва сақланиши қонунарига қатъий риоя қилиб шакллантирилгани билан изоҳланади. Сонли усуллардан фойдаланилганида аппроксимация аниқлиги ва ҳисоблаш жараёнининг яқинлашиш ва турғунлик шартлари етарли даражада таъминланган, олинган сонли натижалар табиат қонунарига зид эмас.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиш жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат бўлиб, иқлим омилларининг ўзгаришлари, турбулентлик ва ютилиш коэффициентлари, шунингдек кичик ўлчамли зарраларнинг физик ва механик хусусиятларига боғлиқ равишда чўқиш тезлиги ўзгарувчанлиги инobatта олинди, шунингдек, аэрозол зарраларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнининг икки ва уч ўлчовли масалаларини юкори тартибли аппроксимациялашга ўзгарувчилар йўналиши бўйича, физик хусусиятларига мос қисмларга ажратиш ва дифференциал ҳайдаш усулларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблашнинг янада аниқ ва самарали сонли алгоритмлари ишлаб чиқилганлигидан иборатдир.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти кичик ўлчамли қаттиқ зарралар ва газ аралашмаларининг атмосферанинг чегаравий қатламида тарқалиши жараёнларини кузатиш ва башоратлаш, зарарли саноат чиқиндиларининг атроф муҳитга салбий таъсирини баҳолаш ва содир бўлиши мумкин бўлган экологик хавфни камайтириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишни қўллаб қувватлаш учун дастурлар мажмуани ишлаб чиқишда ўз аксини топади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноат ҳудудлари атмосферасининг экологик ҳолатини кузатиш ва башоратлашнинг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий-ускунавий воситалари мажмуи асосида:

- шамолнинг йўналиши ва тезлигини ҳисобга олган ҳолда атмосферада зарарли моддаларнинг тарқалиш жараёни билан боғлиқ қарорларни қабул қилишни қўллаб қувватлаш, кузатиш ва башоратлаш, шунингдек, янги саноат объектларининг оптимал жойлаштирилиши учун математик модель ва дастурий таъминот Самарқанд вилояти Экология ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармасида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 33-8/9025 сонли маълумотномаси). Жорий қилишдан самарадорликка Самарқанд вилояти муҳитида зарарли моддалар концентрациясининг ошганлиги ҳақидаги ўз вақтидаги огоҳлантириш аниқлигининг 13-14% га оширган;

зарарли аэрозол чиқиндиларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини кичик ўлчамли заррачаларнинг чўқиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш, кузатиш ва башоратлашнинг математик ва дастурий таъминоти «Жомбой Яшил Чироклари» МЧЖ да жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг

2019 йил 23 декабрдаги 33-8/9025 сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 02-02/8-1583 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари клинкер тайёрловчи ускуна фаолиятининг берилган режимида цемент зарралари ва ёниш маҳсулотларининг атмосфера чегаравий қатламидаги концентрациясини башоратлаш аниқлигини 10-12% га ошириш имконини берган;

кичик ўлчамли зарралар чўкиш тезлигининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда аэрозол чиқиндиларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнларининг математик ва дастурий таъминоти «Жомбой Дон Маҳсулотлари» МЧЖ да жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 33-8/9025 сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 02-02/8-1583 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари атмосферанинг чегаравий қатламида ва ер юзаси сатҳида донли, унли ва омухта емли зарраларнинг концентрациясини башоратлаш аниқлигини 11-13% га оширган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 11 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 7 та хорижий ва 3 та республика журналларида нашр қилинган, шунингдек ЭҲМ учун дастурий маҳсулот қайд этилганлиги ҳақида 3 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос равишда долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш ҳолатлари, шунингдек, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.



Диссертациянинг «Атмосферага зарарли моддалар тарқалиши жараёнининг ҳозирги ҳолати ва адабиётларнинг шарҳи бўйича таҳлили» деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборатдир.

Биринчи параграфда атмосферада зарарли моддалар ва кичик зарраларнинг тарқалиш жараёнини математик моделлаштириш бўйича сўнгги йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар ва эришилган асосий назарий ва амалий натижалар батафсил таҳлил этилган. Иккинчи параграфда атмосферадаги зарарли чиқиндиларнинг характеристикалари ва асосий ифлосланиш манбалари кўриб чиқилган ва Ер сатҳи яқинида тоза атмосфера ҳавосининг кимёвий таркиби келтирилган. Бобнинг учинчи параграфиди ушбу муаммо бўйича илмий манбааларни батафсил таҳлил қилиш асосида тадқиқот мақсади ва вазифалар белгиланган.

Диссертация ишининг «Атмосферада зарарли моддалар тарқалиш жараёнини математик моделлаштириш» деб номланган иккинчи боби субстанциянинг атмосфера чегаравий қатламида ностационар кўчиши жараёни математик моделини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этишга бағишланган.

Бошқа муаллифларнинг кўплаб тадқиқотларида заррачалар чўкиш тезлиги ўзгармас катталиқ деб қаралганидан фарқли равишда, мазкур ишда ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнига ушбу параметр аҳамиятли таъсир кўрсатиши ва у ўзгарувчан катталиқ эканлиги ҳисобга олинган. Ўз навбатида чўкиш тезлиги кичик ўлчовли зарраларнинг физикавий-механик хоссаларидан боғлиқ.

Атмосферада азрозол зарраларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнларининг муҳим параметр — кичик ўлчамли зарраларнинг чўкиш тезлиги  $w_g$  ни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш учун гидромеханика қонунлари асосида математик модель ишлаб чиқилди:

$$\frac{\partial \theta}{\partial t} + u \frac{\partial \theta}{\partial x} + (w - w_g) \frac{\partial \theta}{\partial z} + \sigma \theta = \mu \frac{\partial^2 \theta}{\partial x^2} + \frac{\partial}{\partial z} \left( \kappa \frac{\partial \theta}{\partial z} \right) + \delta Q; \quad (1)$$

$$\frac{\partial w_g}{\partial t} = \frac{mg - 6\pi\eta r w_g - 0,5c\rho_s w_g^2}{m} \quad (2)$$

ва унинг бошланғич ва чегаравий шартлари шакллантирилди:

$$\theta|_{x=0} = \theta^0; \quad w_g|_{z=0} = w_g^0; \quad (3)$$

$$-\mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi(\theta_E - \theta); \quad \mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi(\theta_E - \theta); \quad (4)$$

$$-\kappa \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=0} = (\beta\theta - f_0); \quad \kappa \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=H_z} = \xi(\theta_E - \theta). \quad (5)$$

Бу ерда  $\theta$  — зарарли моддаларнинг атмосферадаги концентрацияси;  
 $\theta^0$  — зарарли моддаларнинг атмосферадаги бошланғич концентрацияси;

$\theta_{\varepsilon}$  – масала ечими соҳасидан ташқарида зарarli моддаларнинг концентрацияси;  $u, w$  –  $x, z$  йўналишларида шамол тезлиги;  $w_{\varepsilon}$  – заррачаларнинг чўкиш тезлиги;  $\sigma$  – зарarli моддаларнинг атмосферада ютилиши коэффициентлари;  $\mu, \kappa$  – диффузия ва турбулентлик коэффициентлари;  $Q$  – манбаанинг куввати;  $\delta$  – Дирак функцияси;  $\xi$  – ҳисоб чегараси орқали ташқи муҳит билан масса алмашинув коэффициентлари;  $\beta$  – ер сатҳи билан таъсирлашиш коэффициентлари;  $f_0$  – зарarli моддаларнинг ер сатҳидан атмосферага ташланиш жадаллиги;  $c=0.5$  – ўлчовсиз катталиқ;  $\rho$  – заррачанинг зичлиги;  $r$  – заррачанинг радиуси;  $s$  – заррачанинг кўндаланг кесим юзаси;  $g$  – эркин тушиш тезланиши;  $m$  – заррачанинг массаси;  $\gamma$  – заррачанинг солиштирма оғирлиги.

Таъкидлаш жоизки, (1)-(2) тенгламалар ва уларнинг бошланғич ва чегаравий шартларида (3)-(5) учта физикавий жараён ҳисобга олинган: атмосферада аэрозол зарраларнинг конвектив кўчиши, диффузион тарқалиши ва атмосфера таркибидаги намлик ҳисобига аэрозол зарраларнинг ютилиши.

Зарралар чўкиши тезлигини аниқлашда атмосферада ҳаракатланаётган заррага таъсир этувчи уч асосий куч: оғирлик кучи, сиқиб чиқарувчи куч ва қаршилик кучи ҳисобга олинган.

Ечишни осонлаштириш учун (1)-(5) масалани тўғри тўртбурчакли  $D = (0 \leq x \leq L_x, 0 \leq z \leq H_z)$  соҳада қараймиз, ифлосланиш манбаини эса ернинг юза қатламида жойлашган деб қабул қиламиз. Унда (1)-(5) масалани сонли ечиш учун номаълумнинг ўзгариш майдонини чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда  $\Delta x, \Delta z, \Delta t$  қадамларга мос тўр билан қоплаймиз:

$$\Omega_{\varepsilon} = \left\{ (x_i = i\Delta x, z_n = k\Delta z, \tau_n = n\Delta t); i = \overline{1, N_x}, k = \overline{1, L_z}, n = \overline{0, N_t}, \Delta x = \frac{1}{N_x} \right\}.$$

Вақт ва фазо ўзгарувчилари бўйича аппроксимациянинг юқори тартибини, шунингдек ҳисоблаш жараёнининг турғунлигини таъминлаш учун  $(w - w_{\varepsilon}) < 0$  ҳолида ошқормас айирмалли схемадан фойдаланамиз:

$$\begin{aligned} & \frac{1}{2} \frac{\theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} - \theta_{i,j}^n}{\Delta t/2} + \frac{1}{2} \frac{\theta_{i-1,j}^{n-\frac{1}{2}} - \theta_{i-1,j}^n}{\Delta t/2} + \frac{1}{2} u \frac{\theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} - \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}}}{\Delta x} + \frac{1}{2} u \frac{\theta_{i,j}^n - \theta_{i-1,j}^n}{\Delta x} \\ & + (w - w_{\varepsilon}) \frac{\theta_{i,j+1}^n - \theta_{i,j}^n}{\Delta z} + \sigma \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} = \frac{\mu}{\Delta x^2} \left( \theta_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} - 2\theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} \right) + \\ & + \frac{1}{\Delta z^2} \left( k_{i,j+0.5} \theta_{i,j+1}^n - (k_{i,j+0.5} + k_{i,j-0.5}) \theta_{i,j}^n + k_{i,j-0.5} \theta_{i,j-1}^n \right) + \frac{1}{2} Q_{i,j}^{n+\frac{1}{2}}. \end{aligned} \quad (6)$$

Ўхшаш ҳадларни ихчамлаб, (6) тенгламани куйидагича ёзамиз:

$$a_{i,j} \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} - b_{i,j} \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + c_{i,j} \theta_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} = -d_{i,j}.$$

Бу ерда

$$a_{i,j} = \frac{u}{2\Delta x} + \frac{\mu}{\Delta x^2}; \quad b_{i,j} = \frac{1}{\Delta t} + \frac{u}{2\Delta x} + \sigma + \frac{2\mu}{\Delta x^2}; \quad c_{i,j} = \frac{\mu}{\Delta x^2} - \frac{1}{\Delta t};$$

$$d_{i,j} = \frac{u}{2\Delta x} \theta_{i-1,j}^n + \left( \frac{1}{\Delta t} - \frac{u}{2\Delta x} + \frac{w-w_g}{\Delta z} - \frac{k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5}}{\Delta z^2} \right) \theta_{i,j}^n - \frac{1}{\Delta t} \theta_{i+1,j}^n + \frac{k_{i,j-0.5}}{\Delta z^2} \theta_{i,j-1}^n + \left( \frac{k_{i,j+0.5}}{\Delta z^2} - \frac{w-w_g}{\Delta z} \right) \theta_{i,j+1}^n + \frac{1}{2} Q_{i,j}^{n+\frac{1}{2}}.$$

Шунга ўхшаш  $(w-w_g) > 0$  ҳол учун ҳам дифференциал операторларни чекли айирмаларда аппроксимация қиламиз ва ҳайдаш усули билан ечиш мумкин бўлган уч диагоналли чизикли алгебраик тенгламалар тизимини ҳосил қиламиз.

Чегаравий (4) шартларни иккинчи тартибли аниқликдаги чекли айирмаларга алмаштирамиз ва ҳисоблаш учун қуйидаги формулаларни оламиз:

$$\alpha_{0,j} = \frac{4c_{1,j}\mu - b_{1,j}\mu}{3c_{1,j}\mu - a_{1,j}\mu + 2\Delta x\xi}; \quad \beta_{0,j} = \frac{d_{1,j}\mu + 2\Delta x\xi c_{1,j}\theta_E}{3c_{1,j}\mu - a_{1,j}\mu + 2\Delta x\xi};$$

$$\theta_{N,j}^{n+1/2} = \frac{2\Delta x\xi\theta_E - (\beta_{N-2,j} + \alpha_{N-2,j}\beta_{N-1,j} - 4\beta_{N-1,j})\mu}{2\Delta x\xi + (\alpha_{N-2,j}\alpha_{N-1,j} - 4\alpha_{N-1,j} + 3)\mu}.$$

Худди шундай процедурани (5) чегаравий шартлар учун қўллаб,  $\bar{\alpha}_{i,0}, \bar{\beta}_{i,0}, \theta_{i,1}^{n+1}$  ларни ҳисоблаш учун ифодалар тузамиз.

(2) учун тенгламани чизикли кўринишга келтириб, чекли айирмали тенгламага ўтамиз ва оралик натижа  $w_g^{n+1/2}$  қийматини ҳисоблаш учун ифода ҳосил қилинди:

$$w_g^{n+\frac{1}{2}} = \frac{m}{2m + 6\pi\gamma r\Delta t + c\rho s\Delta t\tilde{w}_g} w_g^n + \frac{mg\Delta t + 0,5c\rho s\Delta t\tilde{w}_g^2}{2m + 6\pi\gamma r\Delta t + c\rho s\Delta t\tilde{w}_g}. \quad (7)$$

$w_g^{n+1}$  ни ҳисоблаш учун ҳам ўхшаш ифода тузилди:

$$w_g^{n+1} = \frac{m}{2m + 6\pi\gamma r\Delta t + c\rho s\Delta t\tilde{w}_g} w_g^{n+\frac{1}{2}} + \frac{mg\Delta t + 0,5c\rho s\Delta t\tilde{w}_g^2}{2m + 6\pi\gamma r\Delta t + c\rho s\Delta t\tilde{w}_g}. \quad (8)$$

Олинган чекли айирмали чизиксиз (7)-(8) тенгламалар оддий итерация усули билан ечилган. Итерацион жараённинг яқинлашиши  $|w_g^{s+1} - w_g^s| < \varepsilon$  шарт ёрдамида текширилди, бу срада  $\varepsilon$  – итерацион жараённинг аниқлиги,  $S$  – итерациялар сони.

Зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузиясининг уч ўлчовли фазода кечиши ва турбулентлик коэффициентининг баландликка боғлиқ ўзгариши, жойнинг орографияси, шамоллар йўналиши ва кўшни ҳудудлар билан масса алмашинувини ҳисобга олган ҳолда объектнинг уч ўлчовли қўйилишдаги ишончли математик модели ишлаб чиқилди:

$$\frac{\partial\theta}{\partial t} + u\frac{\partial\theta}{\partial x} + v\frac{\partial\theta}{\partial y} + (w-w_g)\frac{\partial\theta}{\partial z} + \sigma\theta = \mu\left(\frac{\partial^2\theta}{\partial x^2} + \frac{\partial^2\theta}{\partial y^2}\right) + \frac{\partial}{\partial z}\left(\kappa\frac{\partial\theta}{\partial z}\right) + \delta Q; \quad (9)$$

$$\frac{\partial w_g}{\partial t} = \frac{mg - 6\pi\gamma r w_g - 0,5c\rho s w_g^2}{m}, \quad (10)$$

ҳамда мос бошланғич ва чегаравий шартлар шакллантирилди:

$$\theta|_{t=0} = \theta^0; \quad w_g|_{t=0} = w_g^0; \quad (11)$$

$$-\mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi(\theta_E - \theta); \quad \mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi(\theta_E - \theta); \quad -\mu \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=0} = \xi(\theta_E - \theta); \quad (12)$$

$$\mu \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \xi(\theta_E - \theta); \quad -\kappa \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=0} = (\beta\theta - f_0); \quad \kappa \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=H_z} = \xi(\theta_E - \theta). \quad (13)$$

Бу ерда  $u, v, w$  – шамол тезлигининг  $x, y, z$  йўналишлари бўйича ташкил этувчилари. Масалани сонли ечиш учун  $u, v, w$  функцияларни вақт бўйича қисмларда бир жинсли деб қабул қиламиз.

Сонли ечишда фазовий ўзгарувчилар бўйича аппроксимация аниқлиги тартибини ошириш мақсадида қуйидаги алмаштиришларни киритамиз:

$$\bar{w} = w - w_g; \quad \bar{\theta} = e^{\frac{ux+vy+\bar{w}z}{2\mu} + \frac{\bar{w}z}{2\kappa}} \bar{\theta}$$

ва (9)-(13) лар ўрнига қуйидагиларни ҳосил қиламиз:

$$\frac{\partial \bar{\theta}}{\partial t} + \sigma_1 \bar{\theta} = \mu \frac{\partial^2 \bar{\theta}}{\partial x^2} + \mu \frac{\partial^2 \bar{\theta}}{\partial y^2} + \frac{\partial}{\partial z} \left( \kappa \frac{\partial \bar{\theta}}{\partial z} \right) + e_1 \delta Q; \quad (14)$$

$$\bar{\theta}|_{t=0} = \bar{\theta}^0; \quad w_g|_{t=0} = w_g^0; \quad (15)$$

$$-\mu \frac{\partial \bar{\theta}}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi(e_1 \theta_E - \bar{\theta}); \quad \mu \frac{\partial \bar{\theta}}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi(e_1 \theta_E - \bar{\theta}); \quad -\mu \frac{\partial \bar{\theta}}{\partial y} \Big|_{y=0} = \xi(e_1 \theta_E - \bar{\theta}); \quad (16)$$

$$\mu \frac{\partial \bar{\theta}}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \xi(e_1 \theta_E - \bar{\theta}); \quad -\kappa \frac{\partial \bar{\theta}}{\partial z} \Big|_{z=0} = (\beta \bar{\theta} - e_1 f_0); \quad \kappa \frac{\partial \bar{\theta}}{\partial z} \Big|_{z=H_z} = \xi(e_1 \theta_E - \bar{\theta}). \quad (17)$$

Бу ерда

$$\sigma_1 = \frac{\kappa u^2 + \kappa v^2 + \mu \bar{w}^2 + 4\sigma \mu \kappa}{4\mu \kappa}; \quad e_1 = e^{-\left(\frac{ux+vy+\bar{w}z}{2\mu} + \frac{\bar{w}z}{2\kappa}\right)}.$$

Худди шундай (14)-(17) масалани ечиш учун алгоритм ишлаб чиқилди ва учинчи бобда батафсил келтирилди.

Ушбу бобнинг охирги параграфида атмосферада аэрозол зарраларнинг ютилиши коэффициентини ҳисоблаш учун функционал муносабат ҳосил қилинган ва боб бўйича хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнлари масалаларини ечиш учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари» қўйилган масалаларни ечишнинг кам ресурс талаб этувчи ва самарали алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Уч ўлчовли (14)-(17) масалани ечиш учун иккинчи тартибли аниқликка эга ошқормас чекли айирмалли схемадан фойдаланилди.

(14) тенглама  $Ox$  йўналиш бўйлаб қуйидаги тарзда аппроксимация қилинди:

$$\begin{aligned}
& \frac{\mu}{\Delta x^2} \bar{\theta}_{i-1,j,k}^{n+1/3} - \left( \frac{3}{\Delta t} + \sigma_1 + \frac{2\mu}{\Delta x^2} \right) \bar{\theta}_{i,j,k}^{n+1/3} + \frac{\mu}{\Delta x^2} \bar{\theta}_{i+1,j,k}^{n+1/3} = \\
= & - \left( \left( \frac{3}{\Delta t} - \frac{2\mu}{\Delta y^2} - \frac{\kappa_{k-0.5} + \kappa_{k+0.5}}{\Delta z^2} \right) \bar{\theta}_{i,j,k}^n + \frac{\mu}{\Delta y^2} \bar{\theta}_{i,j-1,k}^n + \frac{\mu}{\Delta y^2} \bar{\theta}_{i,j+1,k}^n + \right. \\
& \left. + \frac{\kappa_{k-0.5}}{\Delta z^2} \bar{\theta}_{i,j,k-1}^n + \frac{\kappa_{k+0.5}}{\Delta z^2} \bar{\theta}_{i,j,k+1}^n + \frac{1}{3} e_1 \delta_{i,j,k} Q \right). \quad (18)
\end{aligned}$$

Ўхшаш ҳадларни ихчамлаб, соддалаштиргандан кейин (18) тенгламаларни чизикли алгебраик тенгламаларнинг уч диагоналли тизимига олиб келиш мумкин:

$$a_{i,j,k} \bar{\theta}_{i-1,j,k}^{n+1/3} - b_{i,j,k} \bar{\theta}_{i,j,k}^{n+1/3} + c_{i,j,k} \bar{\theta}_{i+1,j,k}^{n+1/3} = -d_{i,j,k},$$

бунда тенгламанинг коэффициентлари ва озод ҳади қуйидаги муносабатлар ёрдамида аниқланади:

$$a_{i,j,k} = \frac{\mu}{\Delta x^2}; \quad b_{i,j,k} = \frac{3}{\Delta t} + \sigma_1 + \frac{2\mu}{\Delta x^2}; \quad c_{i,j,k} = \frac{\mu}{\Delta x^2};$$

$$\begin{aligned}
d_{i,j,k} = & \left( \frac{3}{\Delta t} - \frac{2\mu}{\Delta y^2} - \frac{\kappa_{k-0.5} + \kappa_{k+0.5}}{\Delta z^2} \right) \bar{\theta}_{i,j,k}^n + \frac{\mu}{\Delta y^2} \bar{\theta}_{i,j-1,k}^n + \frac{\mu}{\Delta y^2} \bar{\theta}_{i,j+1,k}^n + \\
& + \frac{\kappa_{k-0.5}}{\Delta z^2} \bar{\theta}_{i,j,k-1}^n + \frac{\kappa_{k+0.5}}{\Delta z^2} \bar{\theta}_{i,j,k+1}^n + \frac{1}{3} e_1 \delta_{i,j,k} Q.
\end{aligned}$$

Чегаравий шартлар (16)  $Ox$  йўналиши бўйлаб иккинчи тартибли аниқликда аппроксимацияланди ва  $\alpha_{0,j,k}$ ,  $\beta_{0,j,k}$ ,  $\bar{\theta}_{N,j,k}^{n+1/3}$  ларни ҳисоблаш учун муносабатлар олинди. Концентрациянинг  $\bar{\theta}_{N-1,j,k}^{n+1/3}$ ,  $\bar{\theta}_{N-2,j,k}^{n+1/3}$ , ...,  $\bar{\theta}_{1,j,k}^{n+1/3}$  қийматлари тескари ҳайдаш усулида аниқланди.

Ундан кейин тенглама (14) ва чегаравий шартлар (16), (17)  $Oy$  ва  $Oz$  йўналишлари бўйлаб аппроксимацияланди ва ҳайдаш усули билан ечиладиган чизикли алгебраик тенгламалар системаси тузилди.

Тенглама (10) ни ечиш учун вақт бўйича ошқормас схемадан фойдаланилди ва қуйидагилар олинди:

а)  $Ox$  йўналиши бўйича

$$w_x^{n+1/3} = \frac{m}{m + 6\pi k r \Delta t + c \rho s \Delta t \bar{w}_x} w_x^n + \frac{mg \Delta t + 0,5c \rho s \Delta t \bar{w}_x^2}{m + 6\pi k r \Delta t + c \rho s \Delta t \bar{w}_x};$$

б)  $Oy$  йўналиши бўйича

$$w_y^{n+2/3} = \frac{m}{m + 6\pi k r \Delta t + c \rho s \Delta t \bar{w}_y} w_y^{n+1/3} + \frac{mg \Delta t + 0,5c \rho s \Delta t \bar{w}_y^2}{m + 6\pi k r \Delta t + c \rho s \Delta t \bar{w}_y};$$

в)  $Oz$  йўналиши бўйича

$$w_z^{n+1} = \frac{m}{m + 6\pi k r \Delta t + c \rho s \Delta t \bar{w}_z} w_z^{n+2/3} + \frac{mg \Delta t + 0,5c \rho s \Delta t \bar{w}_z^2}{m + 6\pi k r \Delta t + c \rho s \Delta t \bar{w}_z}.$$

Ифлослантирувчи моддалар концентрацияси мониторинги ва башоратлаш ҳудуди катта бўлганида (9)-(13) масалани ечиш учун уни

физикавий жараёнларга кўра қисмларга ажратамиз, кўчиш ва диффузия масалаларини алоҳида ечамиз.

(9)-(13) масалани сонли ечиш учун изланаётган ечимни бутун фазода силлиқ функция деб қабул қиламиз. Атмосферада массаларнинг  $t_n \leq t \leq t_{n+1}$  кичик вақт интервалида турли физикавий жараён: кўчиши ва диффузиясининг аддитивлигидан фойдаланган ҳолда биз уларни алоҳида масалалар деб қараймиз.

Субстанция траектория бўйлаб сақланган ҳолда кўчиши жараёнини (а) масала деб қабул қиламиз:

$$\frac{\partial \theta_1}{\partial t} + u \frac{\partial \theta_1}{\partial x} + v \frac{\partial \theta_1}{\partial y} + (w - w_g) \frac{\partial \theta_1}{\partial z} + \frac{1}{2} \sigma \theta_1 = \frac{1}{2} \delta Q \quad (19)$$

бошланғич шартни

$$\theta_1 = \theta_2^a \text{ при } t = t_n; w_g(0) \Big|_{t=t_n} = w_{g,0}(0)$$

ва чегаравий шартларни ташкил этамиз:

$$-\mu \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi(\theta_E - \theta_1); \mu \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi(\theta_E - \theta_1); -\mu \frac{\partial \theta_1}{\partial y} \Big|_{y=0} = \xi(\theta_E - \theta_1); \quad (20)$$

$$\mu \frac{\partial \theta_1}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \xi(\theta_E - \theta_1); -\kappa \frac{\partial \theta_1}{\partial z} \Big|_{z=0} = (\beta \theta_1 - f); \kappa \frac{\partial \theta_1}{\partial z} \Big|_{z=H} = \xi(\theta_E - \theta_1). \quad (21)$$

Ҳаво массасида зарраларнинг атмосферада ютилишини ҳисобга олган ҳолда субстанциянинг атмосферада диффузияланишини (б) масала деб қабул қиламиз:

$$\frac{\partial \theta_2}{\partial t} + \frac{1}{2} \sigma \theta_2 = \mu \left( \frac{\partial^2 \theta_2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \theta_2}{\partial y^2} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( \kappa \frac{\partial \theta_2}{\partial z} \right) + \frac{1}{2} \delta Q. \quad (22)$$

Бунда  $\theta_2 = \theta_1^{l+1}$  – бошланғич шарт, чегаравий шартлар эса қуйидагича бўлади:

$$-\mu \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi(\theta_E - \theta_2); \mu \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi(\theta_E - \theta_2); -\mu \frac{\partial \theta_2}{\partial y} \Big|_{y=0} = \xi(\theta_E - \theta_2); \quad (23)$$

$$\mu \frac{\partial \theta_2}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \xi(\theta_E - \theta_2); -\kappa \frac{\partial \theta_2}{\partial z} \Big|_{z=0} = (\beta \theta_2 - f); \kappa \frac{\partial \theta_2}{\partial z} \Big|_{z=H} = \xi(\theta_E - \theta_2). \quad (24)$$

Шундай қилиб, масалани физикавий жараёнларга кўра қисмларга ажратиб, икки масалани ҳосил қилдик. Булар (а) ва (б) масалалар бўлиб, уларни бир биридан боғлиқ бўлмаган ҳолда чекли айирмали усул билан ечиш мумкин.

Физикавий жараёнларга кўра қисмларга ажратиш усули асосида масала ечиш алгоритмининг самарадорлигини баҳолаш юқорида келтирилган масалага доир дала тажриба натижалари ва бошқа сонли усуллар ёрдамида олинган натижаларни солиштириш йўли билан амалга оширилди.

Жадвалда қаралган сонли усуллар асосида ишлаб чиқилган алгоритмларнинг самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

## Ҳисоблаш алгоритмларининг самарадорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Физик хусусиятларга мос қисмларга ажратиш усули	Иккинчи тартибли чекли-айирмали аппроксимациялаш схемаси	Ўзгарувчиларни алмаштириш усули
Аниқлик (%)	95,07	90,25	85,53
Вақт (мс)	1,2	1,5	1,9

